# Пахтадан пахтанинг фарқи бор, етмиш икки нархи бор

## Унинг ўрнини ҳеч қайси экин босолмайди

Пахта — ўзбек халқининг тақдирига дахлдор мўъжизавор неъмат. Оллоҳ назари тушган табаррук заминимизда неча-неча йиллардан буён ғўза ўстириб келинади. Табиат бизнинг юртимизга айнан шу экинни раво кўргандай: Ўзбекистондаги ҳарорат, ёруғлик, куннинг узунлиги, тупроқ унумдорлиги эрта баҳордан то олтин кузгача пахта етиштиришга қулай шарт-шароитни яратган. Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов таъбири билан айтганда, «ўсимликка тил битса агар, ғўза нави аввало ўзбекча гапирарди».

Шу боис ҳам пахтачилик иқтисодиётимизнинг асосий тармоғи саналиб, бугунги кунда мамлакат халқ хўжалиги мажмуининг 70 фоизи ана шу соҳа билан узвий боғлиқдир. Демак, қаерда пахтачилик самарадорлигини ошириш ҳақида сўз юритилса, ўша жойда, аввало, халқнинг турмуш даражасини кўтариш англашинилади. Давлатимиз раҳбари пахтачилик тараққиётига, хусусан ўз ҳаётини шу соҳага бағишлаган одамларга нисбатан муттасил ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Шу маънода жорий йилнинг 29 март куни Оқсаройда ўтказилган йиғилиш бевосита шу тармоқдаги ислоҳотларни чуқурлаштириш масалаларини муҳокама қилгани ҳам фикримизнинг исботидир.

**Фикримиз исботи**

**Ўтган йили Фарғона вилоятида 95.232 гектар майдонда «Фарғона-3» нави ўстирилди. Бу йил ушбу нав чигити 25 минг гектарга экилади. «Фарғона-3»-га нисбатан самарали ҳисобланган «С-6524» навли ғўза экиладиган майдон бу йил 2000 йилга нисбатан бир неча баравар кенгаяди.**

Қандай қилсак, Ватанимиз қудратини мустаҳкамлаш имконини берадиган маҳсулот миқдори ва сифатини ошириш мумкин? Қайси тадбирларни амалга ошириш орқали шу бебаҳо хомашё ижодкори муносиб эъзоз топади? Президентимиз турли йиғинлардаги чиқишларида, ўз вақтида имзолаган Фармон ва қарорларида масалага ана шу нуқтаи назардан баҳо берадилар, ҳар бир сатри оталарча ғамхўрлик билан суғорилган ечимларни қабул қиладилар.

Пахта туфайли дунё ҳамжамиятида ўз ўрнимиз, дадил сўзимиз бор. Бу бебаҳо хомашёни ифодали қилиб «оқ олтин» деймиз. Аслида бепоён далаларимизда етиштирилаётган бу ажойиб неъмат олтиндан ҳам қиммат. Жаҳоннинг не-не минтақаларида Ўзбекистон пахтасини олтиндан кўра кўпроқ интизорлик билан кутишади. Пахта — муҳим стратегик маҳсулот. Унга эга бўлган давлат шу маҳсулот эвазига кўп турдаги буюмларни олиши мумкин. Валюта тушумининг муҳим бўлаги ҳам пахта ҳисобига эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Яйдоқ дала бағрида техникани бошқараётган механизатор, ҳар туп ғўза атрофида парвона бўлган сувчи ўз Ватани салоҳиятини ошириш учун қанчалик керакли юмушни адо этаётганлигини ҳис қиладими?! Албатта, бизда пахта туфайли баланд-баланд иморатлар қад ростлаётганини, фидойи инсонлар юксак қадр-эъзоз топаётганини барча яхши билади.

Лекин шу пахтакорнинг ўзи реза-реза тер эвазига етиштирган ҳосилни жаҳон пахта бозорида қандай баҳо олаётганидан хабардорми? Маълум бўлишича, кўплар бехабар экан.

— Сиз охирги мавсумда етиштирган пахта харидорига етиб бордими, йўқми? — сўрадим бутун умрини далада ўтказаётган миришкор деҳқондан.

— Билмадим, биз энди... заводга топширганмиз. У ёғини, ким билсин? Ҳар ҳолда тойлаб жўнатишгандир...

Ишончингиз комил бўлсин, худди шундай жавобни кўп жойдан эшитасиз. Нима, энди пахтани етиштирган одам ўзи бориб сотиши керакми, дейсизми? Ундай эмас, албатта. Ҳар кимнинг ўз белгиланган вазифаси бор. Лекин ўз меҳнатингизнинг пировард натижаси, меваси сизни қизиқтирмайдими? Шу саволга жавоб топсангиз қилаётган ишингиз мазмун-моҳиятини чуқурроқ англаган, натижада қаерга қандай куч сарфлаш кераклигини фикрлаган бўлур эдингиз.

Айтайлик, 2000 йилда Андижон вилояти пахтакорлари далаларда чинакам жасорат кўрсатишди, сентябр ойидаёқ йиллик маррадан ўзиб кетишди. Фарғоналик деҳқонлар ҳам фидойилик эвазига кўзланган мўлжалга етишди. Лекин водий далаларида етиштирилган «Фарғона-3» навли пахтадан олинган тола жаҳон бозорида туриб қолаётган бўлса, нима дейиш мумкин? Яна такрор айтамиз, иккала вилоят пахтакорларининг шижоатига тан берамиз. Аммо шунча меҳнат, шунча ҳаракат харидори чаққон навли пахтага сарфланганида тарози палласи салмоқлироқ бўлмасмиди?

Қизиқ, пахта навларини жойлаштиришда қандай тамойилларга амал қилинади? Селекциячи олимлар, нав синовчилар, амалиётчилардан сўраб кўрдик. Уларнинг айтишича, нав танлашда бир қатор аломатлар ҳисобга олинар экан. Аввало, бизга эртапишар пахта керак. Бунинг афзалликлари кўп. Барвақт етилган ҳосил нисбатан кам харажат ва меҳнат талаб қилади, йиғим-терим ёғингарчиликка қолмасдан амалга оширилганда маҳсулот сифати ҳам юқори бўлади. Навбатдаги хусусият, бу — тола чиқишининг юқори бўлиши. 100 тонна пахтадан 25 тонна тола чиқиши мумкин, бу кўрсаткич 38 тонна ҳам бўлиши мумкин. Халқимизда бир мақол бор: «Чучвара ейишдан мақсад гўшт ейиш». Шунга ўхшаб «Пахта экишдан мақсад тола олиш» дейилса тўғри бўларди. Албатта, пахта хомашёсига баҳо беришда чигит сифати ҳам ҳисобга олинади. Лекин тола ва чигит нархи тарозига қўйилганда биринчиси босиб кетади. Нав танлашда яна бир хусусият — экиннинг касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги эътиборга олинади. Тўғри-да, қанча меҳнат қилиб, ҳосилни ҳашоратга едириш кони зарар-ку. Худди шунингдек, навнинг экологик мослашувчанлиги деган кўрсаткич ҳам борки, уни ғўза ўстириладиган минтақаларнинг табиий-иқлим шароитлари билан изоҳлаш мумкин. Яна нима қолди? Толанинг дунё бозоридаги харидоргирлиги. Бу хусусият ҳамма бўғинларда бирдай ҳисобга олинмаган. Олайлик, мамлакатимизда ишлаб турган Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш давлат комиссиясида қўйилган талаблардан бири «хўжалик жиҳатидан фойдалилиги» деб аталар экан. Яъни, бирор нав экилганда фойда салмоғи яхши бўладими-йўқми? Фойда қаердан келади? Табиийки, маҳсулотни сотишдан. Савдо эса турли кўринишда бўлиши мумкин. Жумладан, жаҳон бозорида ҳам.

Модомики, бугунги кунда пахта толасининг 70-75 фоизини экспорт қилаётган эканмиз, дунё бозори талаблари билан ҳисоблашишимиз керакми? Бевосита пахта етиштирувчилар мазкур талаб ҳақида етарли ўйлайдилар, дея олмаймиз. Уларнинг ўйлагани — ялпи ҳосил. Тола миқдори кам, сифати паст бўлса ҳам ҳосил тарози босса кифоя. Лекин масалага кенгроқ қамровда назар ташласак, тола сифатли бўлиб, тезроқ сотилса, аввало, хўжаликнинг ўзи манфаат топадику?! Ҳа, ҳамма ҳам шундай ўйлайвермайди-да. Қолаверса, деҳқонга масаланинг шу жиҳатларини ким ҳам тушунтирибди дейсиз.

## Микронейр — тола сифатини дунё бозорида белгиловчи асосий кўрсаткичлардан бири

Мустақиллик пахтамиз нуфузини кўтарди, деган гапни айтсак, ажабланманг. Тўғри, баъзан шабада эсишини ҳам мустақилликка нисбат берадиган таърифлар одамнинг меъдасига тегади. Лекин истиқлол туфайли пахта бозорининг ҳақиқий тужжорлари кашф бўлаётгани бор гап.

Мустақил бўлгунимизча қандай эди: пахтани заводда тозалаб, тойлаб, вагонларга солиб жўнатардик. Бу пахта кимга сотилди, қанча нархда баҳоланди, ундан эгаси бехабар эди. Москва шундай изоҳ берарди: «буёғига ишингиз бўлмасин».

Энди эса пахта экспорти билан ўзимиз шуғулланаяпмиз. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида Маркетинг ва стратегик тадқиқотлар бош бошқармаси бор. Бизнинг суҳбатдошимиз Илҳомжон Ҳайдаров шу бўлинма таркибидаги стратегик тадқиқотлар бошқармаси бошлиғи.

**Фикримиз исботи**

**Наманган вилоятида 1999 йил ҳосилидан 74.610 тонна тола олинди. Шундан 59.978 тоннаси хорижга экспорт қилинди, 13.328 тоннаси ички бозорга сотилди. Микронейри меъёрдагидан ортиқ бўлган толалар 3-4 фоиз чегирма билан сотилди.**

— Деҳқонларимизга тушунтириб берсангиз, Ўзбекистон пахтасининг жаҳондаги мавқеи қандай? — сўраймиз.

— Аввало шуни айтишим керакки, Ўзбекистон дунёда пахта экспорти борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Пахта толасини сотиш ҳақида гапирадиган бўлсак, бунинг жуда кўп нозик жиҳатлари борки, улардан биттасини ҳисобга олмасак ҳам ютқазиб қўйиш ҳеч гап эмас. Буюк Британиянинг Ливерпуль шаҳрида «Коттон-аутлук» нашриёти ҳар куни дунё бозоридаги пахта нархларини чиқаради. Бу рўйхатда «Ўзбек пахтаси» деган сатр ҳам ўз ифодасини топади. Бундан ташқари, Нью-Йоркдаги пахта биржасининг котировкалари ҳам умуман Ер юзида пахта нархларини шакллантиришда таъсир этувчи омил саналади.

Суҳбатдошимизнинг айтишича, дунё бозоридаги пахтамизнинг нуфузи нафақат пахтакорларга, айни пайтда селекциячи олимлар, пахтани дастлабки қайта ишловчилар, тойловчи, ташувчи юртдошларимизга ҳам боғлиқ экан.

Пахтанинг тўқув хусусиятлари турли хил бўлиб, унга тола узунлиги, узилиш кучи, тойлардаги толаларнинг сифат кўрсаткичлари бир хиллиги, микронейри, тугунлар ҳажми, ифлослик даражаси, калта толаларнинг мавжуд улуши каби хоссалар киради. Пахта толасининг микронейри 3,5 дан 4,9гача бўлса мақбул кўрсаткич ҳисобланади. Пахтани олиб қуёшга тутинг — тола ялтираса, офтоб нурида товланса, демак, унинг сифати яхши. Албатта мутахассислар буни лаборатория шароитида HVI тизимига кирувчи ускуна орқали аниқлашади. Агар тола қанча граммлик юкни кўтарса, ўша кўрсаткич унинг мустаҳкамлигини белгилайди. Айтайлик, тола кўтарган юк 4,9дан ошиб кетса, демак у дағал ёки қалин ҳисобланади. Бунақа тола йигирув дастгоҳларини ишдан чиқаради, ундан нафис мато эмас, сифатсиз нарса тўқиш мумкин. Ўта дағал пахтани халқимиз тилидаги «увада» деган таъриф билан ифодаласа тўғри бўлади.

Айни пайтда бозори чаққон пахтанинг ранги ҳам қордек оппоқ бўлиши керак. Бундай пахта тўқимачилик корхоналарида исталган рангли бўёқни осон «ҳазм қилади».

Бозор ҳамиша бозор. Пахтанинг жаҳондаги нархлари ҳам тушиб-чиқиб туради. Кейинги йилларда бир қатор мамлакатларда кечган иқтисодий инқирозлар, шунингдек, Хитойнинг пахта импортчисидан экспортчисига айлангани ҳам ўз таъсирини сездирди. Ғарбий Европа давлатларидаги фабрикалар катта тезликда ишлайдиган дастгоҳларни ишлаётганликлари учун тола узилувчанлигига эътиборни қаратяптилар. Буларни ҳам ҳисобга олиш керак.

**Ислоҳотнинг устувор йўналишлари**

Бевосита қайси ҳудуднинг пахтаси қаерда тез сотилиши ҳақида гапирсак. Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё вилоятларида етиштирилган пахтага Корея бозори кўпроқ харидор. Шунингдек, Италия, Франция, Германия, Туркия, Швейцария, Индонезия ва Россиядаги тўқимачилик корхоналари бизнинг пахтани бажонидил харид қилишади. Шуни айтиш керакки, бундан 5-6 йил муқаддам Россияда тўлов қобилиятлари бўлмагани учун маҳсулот олиш камайиб кетганди. Эндиликда бу мамлакатда иқтисодий аҳволнинг яхшиланиви ўзбек пахтаси бозори учун янги уфқлар очмоқда. Биз хомашёни Россияга экспорт қилишимизнинг бир қатор қулайликлари бор. Бу юртдаги саноат корхоналари биздаги пахтага мос бўлса, айни пайтда масофанинг яқинлиги ҳам муҳим омилдир. Ўзбекистон ўз портига эга бўлмаганлиги учун бошқа давлатларга пахта сотишда камида иккита мамлакат ҳудудидан ўтишга, товарни бир неча бор тушириб-ортишга тўғри келади. Бу маҳсулот сифатига таъсир қилиши мумкин.

## Ортиқча харажатларсиз даромадни кескин ошириш имкониятига эгамиз

Ҳукуматимиз пахтачилик самарадорлигини тубдан яхшилаш бўйича амалий тадбирларни кўрмоқда. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида пахта толасини сертификатлаш «Сифат» маркази ўз фаолият доирасини кенгайтирмоқда. Эндиликда ушбу марказнинг барча вилоятларда ҳудудий лабораториялари мавжуд. Уларда 2 тадан 4 тагача, жами 35 та HVI тизимлари ўрнатилган. Пахта толасининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш бўйича ўтказилган синов натижалари асосида вилоятлардаги ҳудудий лабораториялар толанинг сифати ҳақидаги ҳужжат, яъни мувофиқлик сертификатини расмийлаштириб беради. Мазкур сертификат пахта толасининг аниқ бир партияси давлат стандартларига мувофиқ келишидан гувоҳлик беради ва пахта толасининг республика чегарасидан хорижга чиқарилишини расмийлаштиришда мажбурий ҳужжат ҳисобланади. Пахта толаси стандарт талабларига жавоб бермайдиган ҳолда сертификат ёзилмайди.

**Фикримиз исботи**

**Қашқадарё вилоятида бу йил пахта етиштириш учун 31,5 миллиард сўм сарфланиши, даромад эса 35,5 миллиард сўмни ташкил этиши кўзда тутиляпти. Бунинг учун жами 179 минг гектар майдонда эртапишар, толаси юқори навли уруғлар экилмоқда.**

Ўтган йилнинг декабр ойида ҳукуматимиз пахта навларини янгилаш ва пахта нархлари бўйича қатор қарорлар қабул қилди. Шунингдек, пахтачиликка дахлдор вазирлик ва идоралар раҳбарларидан иборат Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди. Ташқи иқтисодий алоқалар вазири раислик қилаётган мазкур кенгаш ўз олдига қуйидаги вазифаларни белгилаб олди:

— ташқи бозорлар маркетинг тадқиқотини ўтказиш, харидорларнинг толага эҳтиёжини ўрганиш;

— жаҳон бозорининг истеъмол талабларига жавоб берадиган навларни жорий этиш;

— тайёр маҳсулотни классификациялаш ва сертификатлаш имкониятларини кенгайтириш;

— пахтани тойлашни яхшилаш бўйича тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш.

Мамлакатимиз пахта майдонларида экиладиган ғўза навларидан олинадиган самарани яхшилаш, деҳқонлар тола сифати яхши бўлган навларни ўстиришдан манфаатдор бўлишларини таъминлаш учун 2001 йилда навлар 3 гуруҳга бўлинди. Бунда чет эллик харидорлардан сўраш орқали олинган натижалар ҳисобга олинди. Агар уларни 6 балли шкала бўйича баҳолайдиган бўлсак, биринчи гуруҳга «Бухоро-6», «Наманган-77», «Термиз-31» ва «С-6524» селекция навлари 4-5 балли баҳога сазовор бўлди. Ушбу гуруҳ навларни етиштирувчи хўжаликларни қўшимча рағбатлантириш кўзда тутилган бўлиб, уларга 1,01 тузатиш коэффициенти билан, яъни ҳар тонна учун 1 фоиз ёки 1000 сўм миқдорида устама ҳақ тўланади. Агар ишлаб чиқарувчи учинчи гуруҳга киритилган навли пахтани («Фарғона-3», «Чимбой-3010», «С-9070») топширадиган бўлса, 0,96 тузатиш коэффициенти қўлланилади, яъни ишлаб чиқарувчига асосий қийматидан 4 фоиз чегирим ёки 3600 сўм ушлаб қолинади.

Кўриниб турибдики, навларни оқилона танлаш пахтачиликда самарадорликни ошириш омилларидан биридир. Жаҳон бозорида харидоргир тола берадиган ғўза навларини экиш қўшимча ишчи кучи, техника, ўғит, ёнилғи сарфламасдан даромад ҳажмини сезиларли равишда кўпайтириш имконини беради. Табиий савол туғилади: Ким шундай бўлишини хоҳламайди? Албатта, пахтачиликдаги ислоҳотлардан кутилаётган мақсад ҳам шу. Гап ҳар бир ҳудуднинг ҳокими, хўжалик раҳбари масалаларнинг бутун яхлитлиги билан кўра билишида, барча томонлар учун мақбул ечимга келишида. Мамлакатимизда юритилаётган иқтисодий сиёсат бу борадаги муаммоларни қадам-бақадам ечиб боришга йўналтирилган. Пахта тозалаш корхоналарини монополиядан чиқариш, эркинлаштиришнинг асосий талаби — марказнинг ҳуқуқларини қуйи бўғинларга олиб бериш Оқсаройда ўтказилган йиғилишнинг асосий мундарижасини ташкил этди.

Энг эътиборлиси шундаки, пахтачиликка тегишли вазирлик ва идоралар қўйилган вазифаларни ҳал этиш борасида муттасил изланмоқдалар, амалий таклифлар, ташаббуслар билан чиқишяпти.

Ҳар қандай иморатнинг мустаҳкам туриши пойдеворнинг пухталигига боғлиқ. Инсониятни кийинтириш учун етиштириладиган пахтанинг сифатли бўлиши биринчи навбатда тегишли жойга мос уруғлик танланишида. Айни пайтда экилган чигитдан тортиб то тайёр маҳсулот олингунча бўлган барча бўғинларда виждонан меҳнат қилишнинг аҳамияти беқиёсдир. Халқимизда шундай ҳикмат бор: Ҳар ишнинг охири бахайр бўлсин! Келинг, ўзбекнинг кўнгли каби оппоқ пахтамизга бўлган муносабатда ҳам шу ақидага амал қилайлик.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

**Пахтачиликнинг чамбарчас бўғинлари**



Пахта етиштириш



Тола ва чигитни ажратиш, хомашёни тозалаш



Товарни жаҳон бозорига олиб чиқиш, тайёр маҳсулот чиқариш

## Бюджет интизоми — қонунийлик гарови

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу борада, айниқса, жисмоний тарбия кафедраси мудири Э. Абдураупов «рекорд» қўяди. У бирйўла 3 нафар кишини «ишга» қабул қилиб, фақат 1999 йил 1 майдан 2000 йил 1 ноябргача ҳисобланган иш ҳақини ўз ҳамёнига уради. Ачинарлиси, Самарқанд давлат тиббиёт институтидаги «Чичиков»-лар томонидан давлат бюджетига 360,5 минг сўмлик зарар етказадилар.

Айни кунларда, юқорида эслатилганидек, мазкур қонунбузарлик бўйича Самарқанд шаҳар прокуратураси тергов ишларини олиб бормоқда. Айрим шахсларга нисбатан эса жиноий иш қўзғатилган.

Кўриниб турибдики, бу шахсларнинг онгида мамлакат равнақи, ёш авлоднинг келажаги ва жамоа манфаати тўғрисида умуман ҳеч қандай фикр йўқ. Энг ачинарлиси, улар ўз талабаларига қандай дарс бераётганлигини гапирмаса ҳам бўлади.

Республикамиз раҳбарияти ўқув юртлари учун янги биноларни қуриш, таъмирлаш ишларини олиб бориш, уларни замонавий техника воситалари билан жиҳозлашга катта эътибор бераётгани ҳаммага маълум. Аммо айрим бюджет муассасаларининг «ҳурматли» раҳбарлари давлатнинг чўнтагини ўзлариники билан адаштириб юбормоқдалар. Масалан, Навоий вилояти назорат-тафтиш бошқармаси томонидан 1999-2000 йилларда Кармана тумани халқ таълими бўлимига қарашли мактабгача муассасалар ва мактабларда капитал таъмирлаш ишларининг бажарилиши текшириб кўрилди. Пировардида бюджет маблағларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари кўзга яққол ташланди.

Баъзан ўйланиб қоласан киши: айрим нопок шахслар ўз зиммасидаги ишни ҳалол, виждонан бажариш ўрнига айёрлик йўлларини тутадилар, ҳужжатларни қалбакилаштириб, ҳамёнини қаппайтириш билан шуғулланадилар. Вақти келиб, эртами-кечми, бунинг учун қонун олдида жавоб беришлари эса уларнинг хаёлларига ҳам келмайди.

Яна мисолларга мурожаат этайлик. 1999 йилнинг декабр ойида Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси (бошлиғи К. Эргашев, бош ҳисобчиси А. Ўлжаев) томонидан қурилиш материаллари сотиб олиш учун бюджет маблағларидан «Фаровон» масъулияти чекланган жамиятга 2 миллион сўм ва «Меҳригиё» фирмасига эса 1,7 миллион сўм ўтказиб берилган. Сотиб олинган қурилиш материаллари эса мактаблар ва боғчаларни иситиш тизимини таъмирлаш мақсадида Кармана туман халқ таълими бўлимига юборилган. Пудратчи ташкилот — Навбаҳор туманидаги хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш бошқармаси (бошлиғи Р. Икромов) шартнома асосида 2 та мактаб ва 1 та болалар боғчаси иситиш тизимини таъмирлаш ишларини бошлаб, сўнгра 8 ой мобайнида ишни ўз ҳолига ташлаб қўяди. Бажарилган ишлар бўйича далолатнома талаб қилинганда, Р. Икромов 9,3 миллион сўмлик далолатнома тақдим қилади. Ушбу ҳолат текшириб кўрилгандан кейин эса, ҳаммаси бўлиб 3,2 миллион сўмлик иш бажарилганлиги, 6,2 миллион сўмлик бажарилмаган иш учун эса қалбаки ҳужжатлар тайёрлангани ошкор бўлди. Шу билан бирга, бу қурилиш ташкилотига юборилган 3,7 миллион сўмлик қурилиш материаллари бўйича тузилган харажат фактуралари ҳам ноқонуний эканлиги аниқланди.

Афтидан, қурилиш ташкилоти раҳбарлари ишни қисман бажарган ҳолда, бажарилмаган ишларни қўшиб ёзиш йўли орқали ҳақиқатда мавжуд бўлмаган қурилиш материалларини ҳисобдан чиқаришни мўлжаллаган кўринади.

«Гранит» (СМПП) ташкилоти ҳам худди шу йўл билан Кармана туман халқ таълими бўлими муассасаларида 226,1 миллион сўмлик бажарилмаган таъмирлаш ишларини бажарилди, деб расмийлаштириб, қонунбузарликка йўл қўядилар. Бугунги кунда эса ана шу аниқланган қонунбузарликлар бўйича барча ҳужжатлар тегишли чоралар кўриш учун Навоий вилояти прокуратурасига юборилган.

Табиий савол туғилади: бюджет маблағларини мақсадли ишлатиш ўрнига уларни суиистеъмол қилиш кимга керак? Ҳужжатларни қалбакилаштириш, қўшиб ёзиш йўли орқали «ишлаб топилган» ноқонуний пуллар кимнинг чўнтагини қаппайтиради? Наҳотки, давлат бюджетига зарар етказган шахслар қонун олдида жавоб беришларини, ўзлаштирилган маблағни эса бир неча баробар кўп миқдорда қайтариб тўлашларини билмасалар?

Бундай ноxуш ҳолатлар ҳамма учун сабоқ бўлиши керак.

***Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Матбуот хизмати.***

**Долзарб мавзу**

## Оқсилга ишончли тўсиқ бор!

Шу йилнинг март ойи бошларидан Наманган вилояти Давлат ветеринария бошқармаси ва унинг туман бўлимларига қўнғироқ қиладиганлар кўпайиб қолди. Одамлар телевидение, матбуот орқали Европанинг бир қатор мамлакатларида ҳайвонлар ўртасида оқсил (яшчур) касаллиги тарқалганлиги, у қўшни республикаларда ҳам қайд этилганлигидан хавотирланиб, унинг олдини олиш чора-тадбирлари хусусида сўрамоқдалар. Қўнғироқ эгаларига ваҳимага ўрин йўқлиги, чегара ҳудудларида касаллик кириб келишига қарши мустаҳкам тўсиқлар қўйилганлиги тўғрисида атрофлича тушунтирилмоқда.

Мутахассислар эпидемия хавфининг олдини олиш борасидаги тадбирларни дастлаб вилоятнинг Қирғизистон билан чегарадош бўлган Учқўрғон, Уйчи, Косонсой, Янгиқўрғон туманларидаги божхона масканларида дезотўсиқлар ўрнатиш билан бошлашди. Мавжуд 18 та божхона масканида фаолият кўрсатаётган турли ташкилотларнинг вакиллари ҳушёр туришибди. Уларнинг қатъияти туфайли мамлакат ташқарисидан бирор бош мол ёки касаллик хавфи гумон қилиниши мумкин бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари кириб келишига йўл қўйилмаяпти.

Наманганлик ветеринария ходимлари бундан икки ой илгари чорва ҳайвонларини эмлаш бўйича ишларни бошлаган эди. Бугунги кунда бу оқсил касаллигига қарши ишончли кафолат бўлаётир. Қорамоллари кўрикдан ўтказилган фуқароларнинг кўнгли тўқ. Боиси — ўтган муддат ичида вилоят шаҳар ва туманларида қарийб 175 минг бош қорамол ва қўй-эчкилар ўткир юқумли касалликларга қарши эмланди. Вакциналар етарли, профилактика ишлари эса тез кунда ниҳоясига етказилади.

— Ҳар қанча огоҳ этмайлик, айрим жойларда озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан, гўшт савдосида ўзибўларчилик ҳолларига йўл қўйилаётгани кишини ташвишга солади, — дейди вилоят Давлат ветеринария бошқармаси бошлиғи Б. Худойбердиев. — Ходимларимиз биргина март ойида 77 нафар фуқаронинг мавжуд қоидаларга хилоф равишда гўшт сотаётганини аниқлашди. Уларнинг аксарияти маҳсулотларини ветеринария назоратидан ўтказмаган, қассобхоналари талабга жавоб бермайди. Ўзингиз айтинг: мингбулоқлик К. Ҳотамов, косонсойлик Р. Абдуллаевларнинг уй шароитида мол сўйиб, савдога чиқарган маҳсулотларида юқумли касаллик тарқатувчи унсурлар йўқлигига ким кафолат бера олади?

Бош ветеринар врачнинг ташвиши ўринли. Вилоят фавқулодда эпидемияга қарши кураш комиссиясининг сўнгги йиғилишида ҳам хонаки қассобларнинг ноқонуний фаолияти, айрим мол бозорларида санитария-гигиена ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, дезотўшамалар йўқлиги алоҳида таъкидланди.

Оқсил касаллигининг олдини олишда жамоатчилик — катта куч. Аммо ҳамон кўпчилик «Тегишли мутасаддилар, хизмат кўрсатувчи муассасалар бор, керак бўлса, давлат ҳамма нарсани қилади», деган фикрда эканлиги ташвишланарлидир. Тўғри, давлат томонидан профилактика тадбирлари изчил давом эттирилмоқда. Бироқ бизнинг бепарво бўлишга ҳаққимиз йўқ.

***Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,***
***«Халқ сўзи» мухбири.***

# Элга – замонавий тиббий хизмат

**Наманган вилояти тиббиёт ходимлари ўз олдиларига ана шундай мақсадни қўйганлар**





Шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг очилиш маросимида вилоят ҳокими Тўлқин Жабборов, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров иштирок этдилар



Ислом КАРИМОВ:
*«Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади».*

Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази.



Вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи О.Қосимов шифокорлар билан суҳбатлашмоқда

Мустақиллик туфайли биз ҳам юксак халқаро андозалардаги маданий турмуш тарзига эришиш имкониятларига муяссар бўлдик. Шу мақсадда мамлакатдаги ҳаётнинг барча соҳаларида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, халқимизга кўрсатилаётган тиббий хизматни ҳар тарафлама яхшилашга қаратилган ислоҳотлар бунинг далилидир. Бунда айниқса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 февралдаги «Соғлом авлод» давлат дастури тўғрисида»ги Қарори улкан аҳамиятга эга бўлди.

Давлатимизнинг ушбу дастурий ҳужжатларида белгиланган вазифаларни рўёбга чиқаришда айниқса Наманган вилоятида қилинаётган ишлар ибратлидир.

1998 йилнинг 30 ноябрда Наманган вилояти ҳокимлиги, республикада биринчилардан бўлиб, Президентимизнинг тиббий ислоҳотлар ўтказишга доир Фармонининг бажарилишини таъминлаш ҳақида қарор қабул қилди. Мазкур қарор асосида 1998-2005 йилларда вилоятда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш дастури ишлаб чиқилди. Бу борадаги ишлар, энг аввало, вилоятдаги кўп тармоқли марказий шифохона манбаида 350 ўринли Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг вилоят филиалини ташкил этишдан бошланди. Шифохонани шу мақсадда қайта таъмирлаш учун 1 миллиард 400 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Марказни энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш учун Финляндиянинг «Медко-Медикал инструментариюм» корпорацияси ҳамда Германиянинг «Дентомед» фирмалари билан 5,5 млн. АҚШ доллари миқдорида шартнома тузилди. Айни кунларда бу жиҳозларнинг катта бир қисми келтирилиб, ишга туширилди.

Марказда 131 нафар юксак малакали шифокорлар хизмат қилаяпти. Уларнинг 2 нафари тиббиёт фанлари номзоди, 80 нафари олий, қолганлари биринчи тоифали тиббиёт ходимларидир. Марказнинг барча бўлим мудирлари Москва шаҳрдаги Склифосовский номли тез тиббий ёрдам илмий-текшириш институтида малака ошириб қайтдилар. Шунингдек, Тошкентдаги Вилоятлар тез тиббий ёрдам маркази ходимларини қайта тайёрлаш курсида 50 нафар ўрта тиббиёт ходимлари малака оширдилар. Бу иш режа асосида давом эттирилмоқда. 2001 йилда Марказнинг бир гуруҳ шифокорлари АҚШ, Исроил, Германия, Финляндияга малака оширишга сафарбар этилади.

Шу йилнинг апрел ойида эса вилоят давлат шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг туманларидаги филиалларида ишлаётган 30 нафар врач Санкт-Петербург шаҳридаги шошилинч тиббий ёрдами маркази ва Ҳарбий тиббиёт академиясига юборилмоқда.

Ҳозирги кунда вилоят шошилинч тиббий ёрдам марказининг филиаллари туман марказий шифохоналарида ташкил этилмоқда. Бундай филиаллар Наманган, Учқўрғон,Норин, Косонсой, Уйчи, Чортоқ, Чуст туманларининг марказий шифохоналарида иш бошлади. Энди Тўрақўрғон, Мингбулоқ, Поп ва Янгиқўрғон туманларида ҳам филиаллар учун бинолар ажратилиб, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари кетаяпти.

Президент Фармонида қишлоқларда энг замонавий қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП)ни ташкил этиш ҳам муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Наманган вилоятида 2001-2005 йилларда қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди. Шунга асосан, замонавий лойиҳада қуриш ва қайта ташкил этиш ҳисобига қишлоқ врачлик пунктларининг сони 2005 йилга бориб 215 тага етказилади. Ҳозирнинг ўзида вилоятда 98 та ҚВП эл хизматида. ҚВП шифокорлари Австриядаги машҳур профессор-шифокор Мёртенинг русча нашр этилган дунёга доврукли «Умумий амалиёт врачи» китоби билан таъминланди. Ҳозир бу китоб ўзбекчага таржима қилинмоқда.

Наманган вилоятида нафақат қишлоқларда, балки шаҳарларнинг маҳаллаларида ҳам маҳалла врачлик пунктлари вужудга келаяпти. Вилоятда 80 та «Дамас» тез тиббий ёрдам машинаси олиниб, барча туман, шаҳар шошилинч тиббий ёрдам марказлари транспорт билан таъминланди. Қишлоқ врачлик пунктларини замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлаш мақсадида 874 млн. сўм маблағ ажратилиб, 100 фоиз ўзлаштирилди.

Аҳолини дори-дармонлар билан таъминлаш борасида ҳам эл манфаатига мос келадиган чора-тадбирлар кўрилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг «Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари сотишни тартибга солиш тўғрисида» 1999 йилнинг 14 январида қабул қилинган Қарори кўрсатмаларига биноан, вилоятда даволаш муассасаларида ва чакана дорихоналар тармоғида дори-дармонлар ва тиббиёт буюмларига нарх белгилашнинг ягона тартиби жорий этилди. Яъни дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари етказиб беришда, бунда қатнашувчи воситачилар сонидан қатъий назар, улгуржи савдо учун 20 фоиздан ортиқ бўлмаган, чакана савдо учун 25 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдордаги чекланган савдо устамалари қўлланилган ҳолда шартномавий нархлар белгиланди ва қатъий назорат остига олинди.

Тиббиёт муассасаларини хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш борасида ҳам дадил қадамлар қўйилмоқда. Ҳозирги кунда вилоятда нодавлат тиббий муассасалар сони 107 тага етди. Уларда 277 нафар врач, 297 нафар ўрта тиббиёт ходими, 72 нафар кичик тиббиёт ходими, 93 нафар хўжалик хизматкори фаолият кўрсатмоқда. Бу йўналишда вилоятда аҳолига шу кунгача 57 млн. 360 минг сўмлик тиббий хизмат кўрсатилди. Якка тартибда фаолият кўрсатувчи врачлар сони 355 тага етказилди.

Яна бир янгилик шуки, вилоятда 100 ўринли тиббиёт ходимлари тиббий-санитария қисми ташкил этилди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси «Шифокор ва ҳаёт» газетасини чоп этмоқда.

Вилоятда тиббий кадрлар сифатига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда, аттестация гуруҳлари ташкил этилиб, врачлар ва ўрта тиббиёт ходимларининг билим ва малакаси мунтазам синаб борилмоқда. Ҳозирги кунда вилоятда аттестация синовларидан муваффақиятли ўтган 5071 нафар врач, 19 минг нафардан зиёд ўрта тиббиёт ходими аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатмоқдалар. Уларнинг орасида Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли гинеколог врач Ойшахон Қўчқорова, 1-даражали «Соғлом авлод» ордени нишондорлари Клара Муҳиддинова, Зумрад Назарова, Виктор Зуев, 2-даражали «Соғлом авлод» ордени нишондорлари — Алижон Эргашев, Маҳфузахон Жўраева, Жамила Қўчқорова каби забардаст шифокорлар бор.

Вилоятда «Соғлом авлод» давлат дастурини амалга ошириш бўйича ўтган йили муҳим қадамлар қўйилди. Бу борада алоҳида дастур қабул қилинди. Шу дастур асосида, вилоятда «Она ва бола скрининги» маркази вужудга келтирилди. Бутун вилоятда атрофлича оналар ва болалар саломатлиги кўриги ўтказилди, оналар ва болалар ўртасида кенг тарқалган касалликлар тури аниқланди ва кўрик натижалари асосида вилоят миқёсида зарур тиббий даволаш-профилактика чора-тадбирлари кўрилди. Бу ишлар Оналар ва болалар йили деб ном олган 2001 йилда узлуксиз давом эттирилмоқда.

Булардан ташқари, вилоятда 2000 йил охирида Эндокринология диспансери замонавий таъмирланди, бу даргоҳда эндокринологларнинг халқаро симпозиуми ўтказилди. Онкология марказида илмий-текшириш ишлари малакали йўлга қўйилди. Вилоятда республика Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институтининг филиали иш бошлади. Шунингдек, Республика эндокринология илмий-текшириш институтининг филиали ва стоматология факультетини очиш режалаштирилмоқда.

Халқимизда «Эл соғлиги — юрт бойлиги» деган ажойиб нақл бор. Бу нақлни Наманган вилоятида вужудга келаётган замонавий тиббий хизмат фидойилари ўзлари учун амалий фаолият дастурига айлантирмоқдалар.

**М. САФАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



**Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли гинеколог шифокор Ойшахон Қўчқорова**



**Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази жарроҳлик бўлимида муолажа пайти**



**Шошилинч тиббий марказда бемор қабул қилинмоқда**



**Шошилинч тиббий ёрдам марказига Германиядан келтирилган «Сименс» рентген ташхис аппарати ўрнатилди**



**Вилоят эндокринология маркази ошхонаси**

**Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

XXI аср спорти



# «Ўзбек кураши куни»

Сурхондарёга борганимда ангорлик кекса полвон Жўра Пирна бобо шундай бир таклифни айтди: курашимиз дунёда тан олинган, яъни Халқаро кураш ассоциацияси ташкил қилинган 6 сентябр мамлакатимизда "Ўзбек кураши куни" деб эълон қилинса айни муддао бўларди. Шу куни шаҳару қишлоқларда, қиру адирларда еттидан етмиш ёшгача бўлган юртдошларимиз кураш тушиб яйрарди, ўзига хос сайру байрам бўларди, боболар ёшларга кураш билан боғлиқ ҳикоятларни айтиб беришарди.

Шу таклифга мен ҳам қўшиламан. Нимага дейсизми? Халқаро кураш ассоциацияси матбуот хизматининг хабар қилишича, 2001 йилнинг 8 апрел куни Англиянинг Бедфорд шаҳрида ўзбек кураши бўйича Буюк Британия иккинчи миллий чемпионати бўлиб ўтар экан. Турли вазн тоифаларида ўтказиладиган мусобақаларда юздан ортиқ эркаклар ва аёллар, ўсмирлар ва қизлар ҳамда фахрий спортчилар гиламга чиқади.

— Мамлакатимизда кураш билан шуғулланишни хоҳловчилар кун сайин ошиб бормоқда, — деб ёзади ўз хабарида Буюк Британия кураш ассоциацияси бош котиби Стивен Свитлоу. — Миллий чемпионатимиз ғолиблари ўзбек кураши бўйича Венгриянинг Будапешт шаҳрида бўлиб ўтадиган учинчи жаҳон чемпионатига ҳамда Варшавада ўтказиладиган Европа биринчилигига йўлланма оладилар.

Яна бир гап. Шу йилнинг июл ойида Жанубий Африка Республикасининг Хартенбос шаҳрида мазкур қитъанинг ўзбек кураши бўйича очиқ чемпионати бўлиб ўтади. Африка кураш конфедерацияси президенти Андре Френч жанобларининг сим қоқишига қараганда, мусобақа билан боғлиқ барча харажатларни мезбонларнинг ўзлари кўтарар экан. Ҳатто иштирокчи мамлакатдан бадал пули ҳам талаб қилинмайди. Шунинг учун ҳам ҳозирнинг ўзида 50 дан ортиқ давлат вакиллари бу беллашувда қатнашишини билдирдилар.

Европа ва Африкадаки шундай оламшумул воқеалар бўлаётган, ўзбек курашига қизиқиш етти иқлимда тобора алангаланаётган экан, республикамизда "Ўзбек кураши куни"ни жорий этиш ҳаётий эҳтиёж деб ўйлайман.

Дарвоқе, 28-29 апрел кунлари ўзбек кураши бўйича Тошкентда Осиё чемпионати ўтказилишини айтиш хаёлимдан кўтарилай дебди. Юқори савияда ташкил этилиши кутилаётган мазкур мусобақада қитъамизнинг йигирмага яқин давлатларидан вакиллар иштирок этишини ҳозирдан маълум қилишди. Демак, жаннатмакон юртимизда мухлислар яна "Бўш келма, полвон!" деб ҳайқиришларига саноқли кунлар қолди.

**Озод РАЖАБОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «Саховат» меҳрга чорлайди




Журналлар ҳам бошқа оммавий ахборот воситалари сингари янгиликлардан бохабар қилувчи, маънавиятимизнинг илдизларини теранлаштирувчи чашма ҳисобланади. Бу ойлик нашрларнинг ҳам ўз мухлислари бор.

Ана шундай юртдошларимизга «Саховат» журналининг янги асрдаги иккинчи сони босмадан чиққанлигини маълум қиламиз.

«Сахий қалбда саховат бор!» шиори билан дунё юзини кўраётган журналнинг бу галги сони «Кимки улуғроқ анга хизмат керак...» сарлавҳали мақола билан бошланади. Унда мамлакатимиз ижтимоий тизимидаги ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилинади. Т. Тошпўлатовнинг «Адолатнинг машаққатли йўллари» номли мақоласи мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишланган.

Кинорежиссёр Шуҳрат Аббосов билан қилинган суҳбат журналхонларга манзур бўлади деб ўйлаймиз. М. Ботировнинг «Ёлғизнинг ёри Худо» мақоласини ҳаяжонсиз ўқиш қийин бўлса, Ж. Саъдуллаевнинг «Инсон қанча умр кўради?» номли қатралари кишини ўйлашга чорлайди.

Ҳаваскор шоирлар ва ёш ижодкорларнинг шеърий машқлари, юртдошларимизнинг журнал таҳририятига йўллаган миннатдорчилик мактублари ҳам эътиборни тортади. Журнал саҳифаларидан, шунингдек, шингил ҳангомалар ва чайнвордлар ўрин олган.

Марҳамат, азиз мухлис, «Саховат» сизни меҳрга чорлайди.

**Дилноза БЕГИМ.**

## ХОАТБ «АЛП ЖАМОЛ БАНК»

МАЪМУРИЯТИ СИЗЛАРГА ШУНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ, БАНК ЎЗИНИНГ ВАЛЮТА АЙИРБОШЛАШ ШОХОБЧАЛАРИ ОРҚАЛИ ЧЕТ МАМЛАКАТЛАРГА ЧИҚИБ КЕТАЁТГАН РЕЗИДЕНТЛАРГА 300 АҚШ ДОЛЛАРИ МИҚДОРИГАЧА НАҚД ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИ СОТИШНИ АМАЛГА ОШИРА БОШЛАДИ.

БИЗНИНГ ВАЛЮТА АЙИРБОШЛАШ ШОХОБЧАЛАРИМИЗ ХОДИМЛАРИ СИЗЛАРГА АМАЛДА БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБДА ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ.

АСОСИЙСИ, ВАЛЮТА АЙИРБОШЛАШ ШОХОБЧАЛАРИМИЗДА КЎРСАТИЛГАН ХИЗМАТ УЧУН ВОСИТАЧИЛИК ҲАҚИ ОЛИНМАЙДИ.

**Мижозлардан талаб қилинадиган ҳужжатлар:**

1. *Паспорт.*
2. *Дунёнинг барча мамлакатларига чиқиш учун рухсатнома (ОВИР) ҳамда чиқилаётган давлат визаси (Бирлашган Араб Амирликлари, Бахрайн, Малайзия ва Туркия давлатларига виза талаб қилинмайди).*
3. *Авиачипта ёки темир йўл чиптаси.*

**Валюта айирбошлаш шохобчаларимиз манзили:**

1. М.К.Отатурк кўч., 21-уй, ХОАТБ «Алп Жамол Банк» биноси.
2. Абай кўч., 7-уй, «Алп Жамол» Бизнес Маркази биноси.
3. Буюк ипак йўли кўчаси, 115-уй, «Саёҳат» меҳмонхонаси биноси.

**Биз сизга хизмат кўрсатишдан мамнунмиз.**

4007

Ўзбекистон геология қўмитасига қарашли «Кимёномадангеология сервис» ОАЖ жамоаси Жиззах геология қидирув партияси бошлиғи **Валиш МИРЗОНЕМЕТОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Ўзбекистон Енгил саноати касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг собиқ раиси **Тамара Бабановна МУРСАЛИЕВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг яқинлари ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Давлат Жаҳон Тиллари Университети жамоаси меҳнат фахрийси, доцент **Любов ВОҲИДОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзтелерадиокомпания жамоаси «Ахборот» дирекциясининг вилоятлараро мухбири Тожиддин Қамаровга акаси **Хайриддин ҚАМАРОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика акциядорлик тижорат «Ғаллабанк» раҳбарияти ва меҳнат жамоаси Самарқанд вилоят филиалининг бош муҳосиби Ҳаитқул Ўраловга волидаи муҳтарамаси **ТИНИЧ аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

SANTEXGAZMONTAJQURILISH TRESTI» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси бошқарув раиси Равшан Нормуродовга онаси **МАЙНАОЙ аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

2001 йил 17-20 апрел
ТОШКЕНТ
КЎРГАЗМА-САВДО

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ
АНДИЖОН, НАМАНГАН, ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИКЛАРИ
«O'ZKO'RGAZMASAVDO» РЕСПУБЛИКА ЯРМАРКА САВДОСИ МАРКАЗИ
СИЗНИ
2001 йил 17 - 20 апрелда бўладиган
«ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ ЭКСПОРТ ИМКОНИЯТЛАРИ»
КЎРГАЗМА-САВДОСИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Кўргазма-савдода Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларининг корхоналари, ишбилармон ва ҳунармандлари, экспортга мўлжалланган маҳсулотлари билан қатнашадилар.

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳар, Беруний кўчаси, 41, метронинг «Беруний» бекати

Ишончимиз комилки, кўргазма-савдога ташриф буюриб, ишбилармон ҳамроҳлар топасиз.

Иш вақти: 17 апрел 11.00дан - 17.00гача
18,19 апрел 10.00дан - 17.00гача
20 апрел 10.00дан - 15.00гача

Телефонлар: 144-18-97, 144-46-13, факс 144-18-97.
E-mail: oks-expo@tps.uz

4025

"Ўздунробита" қўшма корхонасининг баҳорги совғаси



20 мартдан 30 апрелгача, биз, шанба ва якшанба кунлари маҳаллий эфир вақти чегараланмаган ва бепул бўлган энг оммабоп бўлган

"200+" режаси бўйича улашни яна бошлаяпмиз.

"(Ўздунробита" қўшма корхонасининг Тошкент Сервис маркази ва илгари "200+" режаси ишлатилган филиаллари учун амалда).

Эслатиб ўтамиз, шахсий рақамли телефонларни улатиш нархи

$100 (ҚҚС билан).

Яна 50%гача арзонлаштиришимиз мумкин!

300909
310909
www.uzdunrobita.uz

UZDUNROBITA cellular
DIYORIMIZ BO'YLAB BIZ BILAN

"ЎЗДУНРОБИТА" - ҳақиқий уяли алоқа худди шундай бўлиши керак!

Бизнинг ҳамкоримиз: "UZPAK": www.uzpak.uz

© РЕКЛАМНОЕ АГЕНТСТВО АЗ

Тошкентда бўлиб ўтади

ТОШКЕНТ САВДО - САНОАТ ЯРМАРКАСИ

25 - 28 апрел кунлари

"ЎЗКЎРГАЗМАСАВДО" (Беруний метро бекати)

Ташкилотчилар - Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси, Тошкент шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси,

Ярмарканинг тайёрланиши ва ўтказилишини Тошкент Халқаро бизнес маркази таъминлайди

Кўп тармоқли кўргазма-ярмаркада Ўзбекистоннинг барча вилоят ва шаҳарларидаги, узоқ ва яқин хорижий давлатлардаги турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотлар, шунингдек, чет эл фирмалари иштирок этишлари мумкин

Ярмаркада саноат жиҳозлари, халқ истеъмол моллари, ишлаб чиқариш воситалари, истиқболли технологиялар, инвестиция лойиҳалари, бўш ишлаб чиқариш майдонлари тўғрисидаги маълумотлар, халқ ҳунармандчилиги буюмлари қўйилиши мўлжалланмоқда.

Ярмаркага барча манфаатдор тузилмалар, юридик ва жисмоний шахслар унда намойиш этиладиган маҳсулотлар билан танишиш учун таклиф этиладилар. Ярмаркада иштирок этиш хоҳишини билдирганлар Ярмарка дирекциясига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишлари мумкин :

998(71) 152-6458, 152-6462, 152-6463, факс - 998(71) 152-6461

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34; 133-78-92
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими* — 132-12-08;
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 2315, 18042 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — Г. ЙЎЛДОШЕВА.
Навбатчи — Б. ОСТОНАҚУЛОВ.
Мусаҳҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 3.20*
1 2 3 4 5 6